



“КЕЛИНИЙЛДИ”

Маданият вазирининг ўринбосари

*(Signature)*

2019 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги



*(Signature)*

2019 йил

“Санъат” таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва  
малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги хамда  
компетентлигига қўйиладиган

## МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

### I. Умумий коидалар

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш сифати тингловчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли даражаси, уларнинг билимлари ва амалий маҳоратларини педагог кадрларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлиги билан белгиланади.

“Санъат” таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган малака талаблари тегишли йўналишлар бўйича ўкув режалари ва дастурларини, шунингдек, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларининг ўкув жараёнини, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш тартиби ва бошка ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

### II. Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг тайёргарлиги ва компетентлигига қўйиладиган умумий талаблар

Педагог кадрлар қўйидаги йўналишларда билим, кўникма ва  
малакаларга эга бўлиши лозим:

- олий таълим давлат таълим стандарти, олий таълим давлат таълим стандарти классификатор, Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим соҳаси бўйича давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари, шунингдек, ўқитилаётган фан бўйича ўкув дастури моҳиятини билиш ва тушуна олиш;
- олий таълим тўғрисидаги норматив-хуқукий ва директив ҳужжатларни билиш;
- бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўкув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини

*(Signature)*

- таъминлашнинг замонавий методларини билиш ва амалда қўллай олиш қўникмаларига эга бўлиш;
- ўкув режалари ва ўкув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- ўкув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методларини ўзлаштириш;
- ўкув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асосларини билиш;
- ўкув машғулотларининг ҳар хил турларини (маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар) ўтказиш қўникмасига эга бўлиш;
- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориши малакаларига эга бўлиш;
- таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданиятига эга бўлиш;
- чет тиллардан биттасида сўзлашув нутқи асосларини ўзлаштириш;
- мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш методларини билиш ва амалда қўллаш малакасига эга бўлиш;
- талабаларда танқидий фикрлашни шакллантира олиш қўникмасига эга бўлиш;
- бакалавриат ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш қўникмасига эга бўлиш;
- кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш малакасига эга бўлиш;
- талабаларнинг ўз билимини мустақил оширишини ташкилий ва методик жиҳатдан таъминлаш қўникмасига эга бўлиш;
- талабаларнинг билим ва қўникмаларини рейтинг бўйича назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш малакасига эга бўлиш;
- кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омилларни билиш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш;
- иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;
- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.

**Олий таълим муассасалари педагог кадрлари қўйидаги йўналишларда компетентликка эга бўлиши лозим:**

**Хуқуқий компетентлик** - таълимнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини, қонунчилик нормаларини билиш ҳамда касбий фаолиятда самарали фойдалана олиш, локал норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қонунчилик нормалари доирасида қарорлар қабул қилиш.

**Касбий компетентлик** – педагогик фаолиятдаги реал вазиятларда учрайдиган касбий педагогик муаммо ва вазифаларнинг самарали ёчимини таъминлайдиган методик усуллар, замонавий таълим технологиялари, педагогик диагностика (сўров, индивидуал ва гурухий интервью) технологиялари, психологик ва педагогик коррекция, дидактик воситаларни қўллай олиш ва доимий такомиллаштириб бориш; таълим олувчилик билан ўқув машғулотларини ташкиллаштиришга йўналтирилган замонавий таълим ва инновацион технологияларга доир креатив ғоялар, илғор хорижий тажрибалар, янги адабиёт, шунингдек, бошқа маълумотларни ўзлаштириш ҳамда қўллаш.

**Информацион компетентлик** - педагогнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситасида шахсий ва касбий фаолияти билан боғлиқ маълумот, ахборотларни мустақил излаш, таҳлил қилиш, танлаш, қайта ишлаш ва зарур ахборотларни узатиш ҳамда соҳага мослаштириш, мустақил билиш фаолиятини доимий ривожлантириш, масофавий таълим ва мультимедиа технологиялари, Интернет глобал тармоғидан, электрон таълим ресурсларидан ўқув мақсадларини амалга оширишда самарали фойдаланиш.

**Коммуникатив компетентлик** - таълим жараёнида самарали мулоқотни таъминлайдиган, турли ёшдаги таълим олувчилик, ота-оналар, ҳамкаслар, ходимлар билан мулоқот ўрнатиш, инсонлар билан ўзаро ҳамкорликда стратегия, тактика ва техникани шакллантиришни билиш, ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларни амалга оширишда уларнинг ҳамкорлик ҳаракатларини ташкил этиш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш, нотиқлик санъати, оғзаки ва ёзма нутқ саводхонлиги, тақдимотларнинг самарали шакл ва методларини танлай олиш.

### **III. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси ўқув режасининг тасдиқланган Намунали таркибидан келиб чиқиб олий таълим муассасалари педагог кадрларига қўйиладиган малака талаблари**

#### **III.1. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари Педагог кадрлар:**

- Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифаларни;
- Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятларини;
- мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини;
- Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясини ва унинг устувор йўналишларини;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблейсининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишларини;
- 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини;
- Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим ва Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияларини;
- Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини;
- ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишларини;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббусини;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-хуқуқий хужжатларини, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий хужжатларини;
- коррупцияга қарши курашнинг хуқуқий асосларини ва унинг олдини олиш омилларини;
- Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини **билиши** керак;
- Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожи вазифалар асосида таълим-тарбия соҳасидаги вазифаларни амалга ошириш;
- Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммоларни таҳлил этиш;
- “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқга хизмат қилсин” ғоясини тушинтириб бериш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-хуқуқий хужжатларини, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий хужжатлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- коррупцияга қарши кураш ва унинг олдини олиш;
- Давлат таълим стандартлари, ўқув режалар ва фан дастурларини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясига хужжатларни тайёрлаш **қўникма ва малакаларига** эга бўлиши лозим.
- 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси асосида ОТМ\факультет\кафедрани ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-хуқуқий хужжатларини, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим тизимида оид норматив-хуқуқий хужжатлар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;
- Давлат таълим стандартлари, ўқув режалар ва фан дастурлар асосида фаннинг ишчи дастурини ишлаб чиқиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **III.2. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

#### **Педагог кадрлар:**

- инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденцияларини;
- таълим тизимида илғор хорижий тажрибаларни;
- кредит тизими ва ECTS кредитларининг хусусиятлари ва тамоилларини;
- креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологияларини (кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш ва бошқалар);
- синергетик таълим аҳамиятини;
- акмеологик ривожланиш даражаларини (концептуал, технологик, рефлексив, креатив ва инновацион);
- педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторларини;
- педагогик квалиметрияning асосий тушунчалари ва тамоилларини;
- мутахассислик фанларини ўқитишининг замонавий методларини;
- ихтисослик фанларини ўқитиши жараёнида шахс имкониятларини **билиши** керак.
  - таълим-тарбия жараёнини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;
  - кредит тизими асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;
  - ўз фанини ўқитища креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологияларидан (кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш ва бошқалар) фойдаланиш;
    - талабаларнинг ва ўқитувчининг инновацион фаолиятини ташкил этиш;
    - инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашиш;
    - мустақил ўзини-ўзи қасбий ривожлантириш стратегиясини тузиш;
    - мутахассислик фанларини ўқитища презентация, услубий кўрсатма ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш;
    - мутахассислик фанларини ўқитища инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш;

- илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модул асосида дарсларни ташкил этиш **кўникмал ва малакаларига** эга бўлиши лозим.
- таълим-тарбия жараёнига инновацион технологияларни татбиқ этиш;
- талабаларни креатив фикрлашга йўналтириш;
- инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ва унинг натижаларини баҳолаш ўзи-ўзини касбий ривожлантириш **компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

### **III.3. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

#### **Педагог кадрлар:**

- ахборот-коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятларини;
- шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимларини;
- LMS тизимларини;
- Web 2.0 технологияларнинг таълимий хусусиятларини;
- булатли ҳизматлардан фойдаланиш усулларини;
- педагогик дастурний воситалар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошқ.) нинг таълимий имкониятларини;
- медиакомпетентлик тушучаси мазмунини;
- Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари имкониятларини;
- онлайн график муҳаррирлари Pixlr, 3D, recolored график муҳарририни;
- аудио ва видео файллар билан ишлаш технологиялари (овоз ва тасвиirlар билан ишлаш)ни **билиши** керак.
- ўқув-тарбия жараёнини оммавий очиқ онлайн курслар (MOOC (Massive Online Open Course), LMS Moodle, web 2.0/3.0 технологиялари, булатли ҳизматлар асосида ташкил этиш;
  - педагогик дастурний воситалар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошқ.) асосида электрон таълим ресурсларни яратиш;
  - Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимларида керакли маълумотларни қидириб топиш;
  - мусиқа санъати фанларини ўқитишда Sibelius компьютер дастури ёрдамида ўқув материалини яратиш;
  - настрли ва векторли тасвиirlарни яратиш **кўникма ва малакаларига** эга бўлиши лозим.
    - ўз фанини ўқитишда оммавий очиқ онлайн курслар (MOOC (Massive Online Open Course), LMS Moodle, web 2.0/3.0 технологиялари, булатли ҳизматлардан самарали фойдаланиш;
    - педагогик дастурний воситалар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошқ.) асосида мультимедиали ўқув курсларини яратиш;

- педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш;
- Web-технологиялар, Web-технологияларнинг таълимий имкониятларини педагогик жараёнда қўллаш;
- булатли технологиялар ва уларда ҳамкорликда ишлаш **компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

#### **III.4. Амалий хорижий тил**

##### **Педагог кадрлар:**

- хорижий тилни ўрганишнинг аҳамиятини;
- хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувларни;
- хорижий тилни ўрганиш лексика ва грамматикасини (грамматика ва лексика – В1, В2) **билиши** керак.
- чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш ва ундан ўз касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ошириб боришда фойдаланиш;
- мавзуга оид турли коммуникатив топшириқлар воситасида тил кўнимкамларини ахборот қабул қилиш ва етказиш учун қўллаш;
- хорижий тилда тинглаб тушуниш, ўқиши, гапириш ва ёзув;
- чет тилидаги соҳага оид ва оммабоп матнларни таҳлил қилиш;
- хорижий тилда фикрни равон баён қилиш;
- лингвистик компетенция (tinglаб тушуниш, ёзиш, ўқиши, гапириш);
- дискурс компетенция (матннинг муайян соҳага тегишлилигини ажратадилиш);
- стратегик компетенция (кўйилган мавзуга ёндашган ҳолда нутқни мантикий ифодалаш);
- кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимизнинг машхур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордик, телефонда сухбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, кашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш **кўникма ва малакаларига** эга бўлиши лозим.
- соҳага йўналтирилган матнларни ўқиши ва унинг маъносини гапириб бериш;
- илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш;
- электрон хатлар ёзиш;
- соҳага йўналтирилган ўқув тақдимотларда хорижий тушунчалардан фойдаланиш **компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

#### **III.5. Тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш асослари**

##### **Педагог кадрлар:**

- тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳиятини;

- тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг асосий тушунчаларини;
- педагогик жараён ва унинг структуравий тузилмасини;
- олий таълим тизими таркиблари (мақсад ва вазифалари)ни;
- педагогик фаолиятда тизимли таҳлил методларини;
- қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувларни;
- педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қўйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологик жиҳатларини;
- педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш усулларини;
- санъат соҳаси ходимлари учун маънавий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлигининг долзарблигини;
- иллатни қадриятга айлантириш механизми, ёхуд “Овертон ойнаси” (имкониятлар ойнаси) технологиясини **билиши** керак.
- олий таълим тизими таркиби (мақсад ва вазифалари)га тизимли ёндашиш;
- педагогик жараёнига тизимли ёндашиш;
- педагогик фаолиятда тизимли таҳлил методларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятда қарорларни шакллантириш, қабул қилиш ва ижросини таъминлаш;
- бугунги глобаллашув шароитида маънавий ва мафкуравий соҳаларда бўлаётган таҳдидлар ва уларга қарши санъат соҳаси ходимларининг онгida мафкуравий иммунитетни шакллантириш;
- маънавий ва мафкуравий таҳдидларни аниқлашда тизимли таҳлилнинг услуг ва услубиятидан фойдаланган ҳолда қарор қабул қилиш **кўникма ва малакаларига** эга бўлиши лозим.
- ОТМда педагогик жараёнини тизимли ёндашиш асосида ташкил этиш;
- олий таълим тизимида педагогнинг илмий-педагогик фаолиятида қарорларни тўғри шакллантириш, қабул қилиш ва ижросини таъминлаш **компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

### **III.6. Махсус фанлар**

#### **Педагог кадрлар:**

- санъат соҳасида эришилган янги илмий натижалар, яратилган илмий адабиётларни билиши;
- номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг хуқуқий асослари ва унинг ривожланиш тенденцияларини билиши;
- санъат соҳасида замонавий талаблар асосида машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш мезонларини билиши;
- санъат йўналиши фанларини ўқитишида сўнгги йилларда эришилган ютуқлардан фойдаланган ҳолда инновацион технологияларни қўллай олиши;

- санъат асарларини саҳналаштиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш йўлларини билиши;
- республика ва хорижда санъат соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини билиш ва таҳлил этиши;
- санъат соҳасидаги фанларни ўқитишида илғор хорижий тажрибани тадбиқ этиши;
- санъат жанрларининг эволюцияси ва ривожланиш тенденцияларини билиши;
- бадиий жамоалар билан ишлашда замонавий услублардан фойдалана олиши;
- ижрочилик мактабларини, уларнинг анъанавийлик ва новаторлик мезонларини билиши;
- санъат соҳасидаги сўнгги йилларда пайдо бўлган йўналиш ва жанрларни, шунингдек улар билан ишлаш услубларини билиши;
- санъат ва маданият соҳасида яратилган электрон ўқув-қўлланмалардан фойдаланиш;
- замонавий техник воситаларни санъат соҳасида қўллаш;
- санъат соҳаси бўйича хорижий тилдаги манбалардан фойдалана олиш;
- санъат соҳасидаги модернизация ва ўзгаришларни педагогик фаолиятга татбиқ этиш;
- санъат ва маданият соҳасидаги инновацияларни илмий-тадқиқот фаолиятига ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш;
- санъат соҳасида илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш;
- санъат соҳасидаги классик ва замонавий асарлар ижрочилигини билиш;
- бадиий асарларни таҳлил қилиш ва ижрочилик қўнимларини сингдириш йўлларини билиш;
- бадиий асарлар талқинида замон ва макон нуқтаи-назаридан ёндошув тамойилларини билиш;
- санъат соҳасига оид анъанавий ва замонавий оқимларни (йўналишлар) билиш;
- санъатнинг анъанавий ва замонавий жанрлари ва соҳаларида ижодий ижрочиликни амалга ошириш;
- санъатнинг турли жанрларида яратилган етук асарлар ва ривожланиш тенденцияларини билиш;
- санъат соҳасида яратилган янги асарларни танлаш ва амалиётда қўллаш;
- санъат соҳаси бўйича таълим жараёнида замонавий аудио ва видео манбалардан фойдаланиш;
- санъат соҳасида муаллифлик хуқуқини билиш;
- санъат йўналиши фанларини ўқитишида маданият ва санъат менежменти борасидаги маълумотлардан фойдаланиш;

- санъат йўналиши фанларини ўқитишда замонавий техника ва технологияларга асосланган машқ ва тренинглардан фойдаланиш;
- ихтисослик фанларини ўқитишда кўргазмали воситаларни мустақил равишда тайёрлаш ва улардан фойдаланиш;
- санъаткорда бадиий дид ва этик маданиятни ривожлантириш;
- драматургия устида ишлаш;
- мумтоз асарлар устида ишлаш;
- воқеалар тизими, шарт-шароитлар, хатти-харакат, етакчи хатти-харакатларни билиши ва таҳлил эта олиш;
- режиссёрик санъати таълимда илғор маҳаллий ва хорижий тажрибалардан фойдаланиш;
  - саҳна санъатида компьютер графикасини қўллаш;
  - режиссёрик санъатида саҳна тадбирларига график дизайн қилиш;
  - инсон ресурсларини бошқаришнинг стратегик аҳамияти ва мақсадларини амалга ошириш;
  - санъат соҳасида персонални бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
  - оммавий байрам ва тадбирларда замонавий жиҳозлардан ва дастурларидан фойдаланиш;
  - кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрги соҳасида мавжуд бўлган долзарб амалий масалаларни ечиш учун янги технологияларни қўллаш;
  - кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрги соҳаси фанларини ўқитишда илғор инновацияларни қўллаш;
  - кинотелеоператорлик ва овоз режиссёргида шовқин билан ишлашнинг замонавий технологияларини фойдаланиш;
  - замонавий техник таъминотни фаолиятга тадбиы этиш;
  - кинотелеоператорлик ва овоз режиссёрги соҳасидаги кўргазма куролларининг яратилиш меъзонлари ва улардан фойдаланиш;
  - замонавий рақамли тасвирга олиш техникаларини тасвирга олиш майдончаларида қўллаш;
  - халқ мусиқа ижодиётини замонавий мусиқий жанрларда тарғиб этиш;
  - бастакорлик санъатида таниқли маҳаллий ва хорижий ижодкорларнинг асарлари билан танишиш, таҳлил эта олиш;
  - хорижий композиторларнинг асарлари билан танишиш, таҳлил эта олиш;
  - халқ мусиқа ижодиётини чолғу ижрочилиги воситасида тарғиб этиш;
  - мусиқий таълимда инновацион технологиялардан фойдаланиш;
  - созанданинг ҳаракатларидан мусиқий ифодани бойитища фойдаланиш;
  - мактабдан ташқари мусиқий таълимда замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш;
  - ижро санъати бозорини ўрганиш: сегментация, мавқелаштириш ва рақобатбардошликни ошириш;
  - арт маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши

- рангларнинг инсон рухиятига таъсирини санъат асарлари орқали ифодалаб бериш;
- тасвирий ва амалий санъат бўйича янги электрон ўкув адабиётларни яратиш ва улардан фойдаланиш;
- тасвийи ва амалий санъат йўналиши бўйича хорижий тилдаги манбалардан фойдалана олиш;
- тасвийи ва амалий санъат фанларини ўқитишида инновацион технологияларни қўллаш;
- тасвийи ва амалий санъатнинг турли кўринишларида психологик таъсирчанлигини ҳис килиш;
- тасвийи ва амалий санъатда бадиийликни аниклай олиш;
- саҳна тадбирларига график дизайн килиш;
- график муҳаррирларида саҳна декорациялари устида ишлаш;
- маънавий ва мағкуравий таҳдидларни аниклашда тизимли таҳлилнинг услуг ва услубиятидан фойдаланган холда қарор қабул қилиш;
- ҳаваскор-хореографик гурӯхда ҳалқ раксини ўқитиши;
- илгор хорижий мамлакатлар дарс бериш методикаси ва замонавий аксессуарлардан фойдаланиш малакасини шакллантириш;
- ижро этиш ва ижод килиш қобилиятини ривожлантириш;
- санъат соҳасидаги турли замонавий услуг ва йўналишлардан фойдаланиш;
- санъатшунослик йўналиши бўйича хорижий манбалардан педагогик фаолиятда фойдаланиш;
- санъатшунослик соҳасидаги замонавий ёндашувларни фойдаланиш;
- санъат асарларини яратиш ва реконструкция қилиш усулларини билиш;
- санъат соҳасида таникли хорижий мутахассисларнинг асарлари билан танишиш, таҳлил эта олиш қўнималарига эга бўлиши лозим.

#### **IV. Якуний қоида**

Мазкур малака талаблари ижтимоий-иктисодий соҳанинг устувор йўналишлари ва вазифаларидан келиб чишиб такомиллаштириб борилади.

Ўзбекистон давлат санъат  
ва маданият институти ректори

И.Ж.Юлдашев

2019 йил “2” июль

